

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 27 август, № 178 (8521) Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ СОҲАЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларга қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг ёрқин истеъдоди, кенг қамровли ижодий, илмий-амалий фаолияти билан халқимиз маънавиятини юксалтириш, мамлакатимизда илм-фан, таълим, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш, ёшларимизни она юртга муҳаббат ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги улкан хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар билан тақдирлансин:*

### «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвони билан

**Азамов Абдулла** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Математика институти лаборатория мудири

**Гуламов Кадир Гафурович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Физика-техника институти бош илмий ходими

**Захидов Анвар Абдулахадович** — Америка Қўшма Штатларининг Даллас шаҳридаги Техас университети профессори

### «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси» фахрий унвони билан

**Уролов Эркин Юнусович** — Қарши ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқитувчиси, бахши, Қашқадарё вилояти

### «Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми» фахрий унвони билан

**Мамаджанов Анвар Алимжанович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, график рассом

**Мансуров Имяр Идрисович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи рассом

### «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвони билан

**Джумаев Бахшилло Ширинович** — Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, зардўз уста, Бухоро вилояти

### «Ўзбекистон Республикаси халқ шоири» фахрий унвони билан

**Шеров Абдулла** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони билан

**Джурабаева Чаросой Хосилжановна** — «Тумор» рақс ансамбли бадиий раҳбари, балетмейстер

**Кубаева Дилноза Окилбековна** — Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси

**Пенькова Анастасия Васильевна** — Ўзбекистон давлат академик рус драма театри актрисаси

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан

**Ансатбаев Нажиматдин** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали режиссёрлик ва актёрлик маҳорати кафедраси профессори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Аскаров Ахмадали** — Тошкент давлат педагогика университетининг Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори, академик

**Искандаров Садулла** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

**Камилов Эркинбой** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Кенжабаев Камчибек** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи, Андижон вилояти

**Салимов Оқил Умурзоқович** — Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаси раҳбари

**Хакимов Акбар Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Санъатшунослик институти тасвирий ва амалий безак санъати бўлими мудири

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан

**Жўраева Санобархон Рахмоновна** — Асака тумани маданият бўлими қошидаги ансамбль хонандаси, Андижон вилояти

**Тўраев Азиз Оппоқович** — «Меҳр ва мурувват» жамоат фонди раиси

**Эшбеков Юлдаш** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**(Давоми 2-бетда).**

# ТАРИХИЙ АЛОҚАЛАР УСТИГА ҚУРИЛГАН МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК

*Ўзбекистон Озарбайжон ташқи сиёсатидаги энг муҳим шерикларидан. Бу юртнинг Имом Термизий, Имом Бухорий, Мотуридий, Ибн Сино, Беруний каби буюк алломалари бизнинг ҳам бобомиз. Ўзбекистон ва Озарбайжон тарихи, бу — бизнинг миллатларимиз тарихи. Буни икки дўст миллат вакиллари яхши билади. Айни чоғда ёш авлод онгу шуурига бу тарихни, муштарак маданиятни янада чуқур сингдириш бизнинг вазифамиз. Мустаҳкамланиб бораётган ўзаро алоқаларимиз шу мақсадга эришишда ўз самарасини беришига ишончим комил.*

## Қардошлик ришталари

Ўзбекистон туркий тилли давлатлар орасида бизга энг яқини ҳисобланади. Ўзбек ва озар халқларини умумий илдизлар бирлаштиради. Мамлакатларимизнинг БМТ, МДҲ, Туркий давлатлар ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ҳамда минтақавий тузилмаларда кўплаб долзарб масалалар юзасидан якдил, ҳамфикрлиги ҳам шундан.

Мустақиллик йилларида ҳар икки мамлакатда элчихоналар очилди, Тошкентда Низомий Ганжавий, Бокуда Алишер Навоий ҳайкали қад ростлади. Кейинроқ Ўзбекистон пойтахтида илғор етакчи Ҳайдар Алиев номи билан аталган Озарбайжон маданият маркази очилди, буларнинг барчаси муносабатларимизга янги куч бағишлади.

Озарбайжон ва Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, тарихий дўстлик ва қардошлик муносабатлари янада ривожланиб, кўп йиллик синовлардан сўнг стратегик даражага кўтарилди. Икки мамлакат Президентларининг сиёсий иродаси, узоқни кўзлаб юритаётган сиёсати, ҳеч муболағасиз, дўстлик алоқаларига, савдо-иқтисодий кўрсаткичларига янги руҳ бағишлади. Биргина 2022 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 1,5 баробар, жорий йил бошидан буён эса бу кўрсаткич 16 фоизга ошди. Жумладан, Озарбайжонга тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажми 2,6 баробар, механик ускуналар 19,7 фоиз, шиша ва шиша буюмлар етказиб бериш 76 фоизга ошди. Шу нуқтаи назардан, яқин йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 1 млрд. долларга етказиш учун икки мамлакат иқтисодиётлари етарли салоҳиятга эга.

Сўнгги беш йилда Ўзбекистонда Озарбайжон капитали иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналар сони 4 баробар ошди. Икки йил ичида 40 га яқин корхоналар ишга тушди. Ўз навбатида, Озарбайжонда Ўзбекистон сармояси иштирокидаги 70 дан ортиқ корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда. Озарбайжонда Ўзбекистон автомобилларини йиғиш, ипакчилик ва тўқимачилик кластерлари ташкил этилгани самарали ҳамкорликка мисол бўла олади. Ўтган йили Ўзбекистон юкларини Боку порти орқали ташиш ҳажми қарийб икки баробар ошди. Ўзбекистон бундан буён ҳам Озарбайжоннинг замонавий транспорт тармоғидан фойдаланиб, юк ташишни кўпайтиришдан манфаатдор.

Шу маънода, Транскаспий йўлаги доирасида қўшма логистика компаниясини ташкил этиш ҳамда Боку шаҳри ва учинчи мамлакатлар портларида омборхона инфратузилмаси ва логистика марказларини барпо этиш муҳим аҳамиятга эга. Озарбайжон ва Ўзбекистон Президентларининг 22-23 август кунлари олиб борган мулоқотлари давомида бу борада келишувга эришилди.

➡ 3

Сессия

# АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – АСОСИЙ МАСАЛА

*Халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.*

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Бухоро шаҳар ҳокими Ж. Носировнинг ҳисоботи эшитилди. Тақдим этилган ахборотга кўра шаҳарда 2023 йилда янги иш ўринлари очиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чиқилган.

Бухоро шаҳрида жорий йилнинг январь — июль ойлари давомида жами 15,8 минг нафар аҳоли бандлигини таъминлашга эришилган. Жумладан 9,1 минг нафар доимий, 5,6 минг нафар легаллаштириш ва 1,1 минг нафар мавсумий ишларга ишсиз ва кам даромадли фуқаролар жалб қилиниши ҳисобига қўшимча даромадли бўлишди. Мавсумий жамоат ишларига ишсиз фуқароларни жалб қилиш орқали 923 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган.

Сессия ишида иштирокчилар томонидан жорий йилнинг 1-ярим йиллигида шаҳардаги 65 та маҳалланинг 53 таси (ёки 81,5 фоизи) ишсизликдан холи ҳудудга айлантирилганлиги эътироф этилди.

Шу билан бирга, депутатлар шаҳарда янги ишлаб чиқариш қувватлари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилиши ҳамда янги иш ўринлари яратилишига қарамасдан, норасмий секторда фаолият олиб бораётган фуқароларнинг кўплиги, бу соҳада тегишли идоралар томонидан етарли чоралар кўрилмаганлигини танқид остига олдилар. Шунингдек, “аёллар дафтари”ни шакллантиришда масъуллар томонидан хато ва камчиликларга йўл қўйилаётгани хусусида ҳам эътирозлар билдирилди. Мазкур масалалар бўйича шаҳар хокими ўринбосарлари ва бошқа мутасаддилар тушунтириш бердилар.

Кун тартибидаги навбатдаги масала юзасидан Бухоро шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Б. Шариповнинг ҳисоботи эшитилди.

Қайд этилганидек, Бухоро шаҳрида шу йилнинг 7 ойи мобайнида жиноятчиликнинг 846 тага ёки 1,17 фоизга камайишига эришилган. Уларнинг 61 фоизи олдини олиш мумкин бўлган, 39 фоизи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ташаббуси билан аниқланган жиноятларни ташкил этган. Олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар ўтган йилдагига нисбатан 24 тага ёки 7,8 фоизга камайган.

Ҳисобот даврида тазйиқ ва зўравонликка учраган 220 нафар аёлга нисбатан ҳимоя ордери расмийлаштирилган, бунинг натижасида 51 оила яраштирилиб, 14 нафар фуқаро ҳимоя ордери талабларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган.

Депутатлар олиб борилаётган ишлар етарли эмаслиги, хусусан, хотин-қизлар томонидан содир қилинган жиноятлар сони ўтган йилдагига нисбатан 56 фоизга, ёшлар жиноятлари 18,8 фоизга ҳамда вояга етмаганларнинг бундай манфур ишларга қўл уришлари 144 фоизга ошганини қайд этишди. Шу сабабли шаҳар ички ишлар идоралари, прокуратура ўз фаолиятида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиши лозимлиги таъкидланди.

➡ 3

# 1 СЕНТЯБРДАН ЭЪТИБОРАН

**Ўзбекистон фуқаролари идентификация ID-картаси билан Қирғизистонга ва қўшни давлат фуқаролари мамлакатимизга 60 кунгача киришлари, ҳаракатланиши ва унда бўлиб туришлари мумкин**

Ҳамкорлик

25 август куни Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғиз Республикаси Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари тўғрисидаги Битимга ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги Баённома (2023 йил 27 январь, Бишкек ш.) кучга кирди.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 26-27 январь кунлари Қирғизистонга бўлиб ўтган давлат ташрифи доирасида имзоланган.

Қайд этиш керакки, икки давлат ҳудудига кириш, ундан чиқиш, транзит ўтиш, ҳаракатланиш ва унда бўлиб туриш учун идентификация ID-картасидан амалда фойдаланиш ўзаро келишувга кўра 2023 йил 1 сентябрь соат 00:00дан бошлаб йўлга қўйилади.

Баённома билан киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, икки давлат фуқаролари учун давлат чегарасини кесиб ўтишнинг соддалаштирилган ягона тартиби жорий этилди.

Жумладан, бундан буён Ўзбекистон ва Қирғизистон фуқаролари 60 кунгача идентификация ID-картаси билан икки давлат ҳудудларига киришлари, ҳаракатланиши ва унда бўлиб туришлари мумкин.

Ўзбекистон фуқаролари хорижга чиқиш биометрик паспорти билан Қирғиз Республикасига кириш, ундан чиқиш ва транзит орқали бошқа давлатларга ўтишлари мумкин.

ID-карта каби ҳаракатланиш ҳужжатларидан ўзаро фойдаланишнинг жорий этилиши давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини соддалаштириш, ўзаро келиб-кетишларни енгиллаштириш, чегараолди вилоятларда яшовчи икки мамлакат фуқароларининг қариндошларини зиёрат қилиш, туризм, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

**«Дунё» АА.**

**Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!**

# УСТЮРТ ҚЎЙНИДАГИ ЖАВОҲИР

## ёки Қорақалпоғистонда рўй бераётган янги давр мўъжизалари



*Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллик шодиёналари яқинлашар экан, истиқлол халқимизга энг буюк неъматлар — эрк, ҳуррият, тинч ва фаровон ҳаёт бергани кўнгилдан ўтади. Айниқса, кейинги беш-олти йил Қорақалпоғистон Республикасида бутунлай янги ҳаёт қуриш даври бўлди, десак, асло муболаға эмас.*

*Бундан етти йил илгари Қорақалпоғистоннинг наинки туман ва овуллари, балки шаҳарлари қиёфаси ҳам ўтган асрнинг 80-йиллари манзарасини эслатарди. Қуриётган Орол денгизи ортидан экология бузилишининг хавотирли даражага етиши, қум ва туз бўронларининг муттасил равишда тарқалиши, ишсизлик муаммолари одамларнинг белини букиб қўйганди.*

➡ 4





Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ СОҲАЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

*Халқимизнинг илмий-интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият ва санъат соҳалари ҳамда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасида эришаётган юксак натижалари, юртимиз тараққиётини таъминлаш, жамиятда ўзаро тотувлик, ижтимоий-маънавий барқарорликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси ҳамда жамоат ишларидаги фаоллиги учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

**Бобомуродова Хосият** — Самарқанд давлат университети қошидаги аниқ фанларга ихтисослашган мактабнинг маънавий-маърифий ишлар тарғиботчиси

**Иноятов Сулаймон Иноятович** — Бухоро давлат университетининг юриспруденция ва ижтимоий-сиёсий фанлар кафедраси профессори, Бухоро вилояти

**Мадреимов Полат Шамшетович** — «Айқулаш» Қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли бош балетмейстери, Қорақалпоғистон Республикаси

**Матякубова Гавхар** — Ўзбекистон давлат филармониясининг Хоразм вилояти бўлинмаси саҳналаштирувчи балетмейстери

**Сагдиев Ёдгар Хабибович** — Ўзбек Миллий академик драма театри директори

**Салимов Олимжон** — Ўзбекистон давлат драма театри бош режиссёри

**Усмонова Юлдуз Ибрагимовна** — «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси хонандаси

**Хасанова Мухтарам Урушовна** — Боёвут туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактаби директори, Сирдарё вилояти

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Азизов Тургун Турсунович** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Джалилов Исмаилджан Туляганович** — Ўзбекистон давлат консерваториясининг академик хонандалик ва опера тайёрлови кафедраси профессори

**Мусаков Зулфихар Джалалович** — «Ўзбекфильм» киноконцерни» давлат унитар корхонаси постановкачи кинорежиссёри

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Абдуллаева Азатхон** — Сирдарё вилояти мусиқали драма театри актрисаси

**Абдуллаева Мунаввара** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг мусиқали, драматик театр ва кино санъати кафедраси профессори

**Алламуратов Менгнар Мамаюсупович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари, шоир

**Закиров Рахматилла Хусанович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, миллий мусиқа чолғулари устаси

**Зарипова Карима Фахритдиновна** — Карим Зарипов номидаги Республика эстрада ва цирк коллежи директори

**Ирисметов Муроджон Эргашевич** — Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази директори

**Камилов Мирзаян Мирзаахмедович** — Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети профессори, академик

**Каюмова Адинахон Закировна** — Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, дўппидўз, Андижон вилояти

**Қўзиев Тоир Асқарович** — В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг анъанавий ижрочилик бўлими ўқитувчиси

**Нишанов Баходир Исанович** — Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри актёри

**Раджабов Кахрамон Кенджаевич** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тарих институти бош илмий ходими

**Усманова Малика Шамсутдиновна** — Тошкент шаҳар перинатал маркази директорининг неонатал хизмати бўйича ўринбосари

**Эргашев Орзикул Муратович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

### I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Джаббарова Юлдуз Қосимовна** — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг кафедра профессори

### «Дўстлик» ордени билан

**Абдиев Алланазар Идирейсович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Абдуллаева Умида Закиржановна** — Яшнобод туманидаги 77-ихтисослаштирилган кўзи ожизлар мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Агзамов Миразиз Мирганиевич** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Агзамходжаев Саидакбар Саидович** — Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг ислом тарихи ва манбашунослиги кафедраси профессори

**Азатова Феруза Мураталиевна** — Ўзбекистон давлат филармониясининг «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли балетмейстери

**Азимов Шариф Турсунович** — Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, кулол, Самарқанд вилояти

**Алемасов Виктор Александрович** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг маданият ва санъат менежменти кафедраси профессори

**Бабаханова Данисия Даяновна** — Ўзбекистон давлат драма театри актрисаси

**Вилданов Джиангир Румилевич** — Карим Зарипов номидаги Республика эстрада ва цирк коллежининг эстрада актёрлиги бўлими катта ўқитувчиси

**Ғозиев Юнусали** — Марҳамат туманидаги «Андижон самоси» халқ ҳаваскорлик дорбозлар гуруҳи бадиий раҳбари, Андижон вилояти

**Давронов Беҳзод Дамирович** — Россия Федерацияси давлат академик катта театри опера солисти

**Жабборов Нурбой Абдулхакимович** — Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ўзбек адабиёти тарихи ва матншунослик кафедраси мудири

**Зуннунова Севара Закиржоновна** — Ўзбек Миллий академик драма театри модельер рассоми

**Ирзаев Баҳром Шайматович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи бош илмий ходими

**Исматуллаева Барнохон Адилжон қизи** — Германия Федератив Республикаси Ганновер давлат опера театри солисти

**Исраилов Анвар Шавкатович** — Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, наққош, миниатюрачи рассом, Тошкент шаҳри

**Исраилов Умид Шавкатович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**Касимов Рифатилла Кудратуллаевич** — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг мақом чолғу ижрочилиги кафедраси профессори

**Ким Людмила Сергеевна** — Гулистон ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Кучиев Исматбой** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи, публицист

**Қуватов Умриузоқ Юлдашович** — Ўзбекистон давлат филармониясининг Қашқадарё вилояти бўлинмаси хонандаси

**Қучқорова Муҳаббат Узоқовна** — Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, каштадўз, Бухоро вилояти

**Маматова Ширин Мамаджановна** — «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси хонандаси

**Маннапов Султанбек** — Фарғона давлат университетининг мусиқа таълими кафедраси мудири, профессор, Фарғона вилояти

**Мелдебеков Акжол Мелдебекович** — Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада санъати институтининг эстрада хонандалиги кафедраси катта ўқитувчиси

**Милова Виолетта Федоровна** — Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг махсус фортепиано бўлими ўқитувчиси

**Мирзаев Акмалжон Бурханович** — Фарғона вилояти мусиқали драма театри актёри

**Муқимов Камил** — Ўзбекистон Миллий университети профессори, академик

**Муродов Шоносир Шоазизович** — Республика ихтисослаштирилган дизайн мактаби услубчиси

**Нажмиев Амридин** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганчкор уста, Самарқанд вилояти

**Назаримбетов Базарбай Матжанович** — Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театри вокал артисти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Насимов Хилол Тулкунович** — Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси аъзоси, постановкачи режиссёр

**Нематов Зикрилло Хайриевич** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Погорелова Ольга Васильевна** — Самарқанд давлат музей-қўриқхонасининг нумизматика ва махсус сақлаш фонди илмий ходими

**Рахманов Каримбай** — Ўзбекистон давлат филармониясининг Хоразм вилояти бўлинмаси директори

**Рустамхўжаев Шокирхон Шодмонхўжа ўғли** — адабиётшунос, матншунос, Андижон вилояти

**Рисюкова Юлия Васильевна** — Ўзбекистон Республикаси Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази директорининг ўринбосари

**Султанова Шахноза Абдувахитовна** — Тошкент давлат техника университетининг машинасозлик факультети декани

**Сайдумаров Муртазо Гозиевич** — Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг хорижий тиллар кафедраси доценти

**Салимов Шокаххор Мухаббатович** — Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, публицист

**Сафьянова Венера Музагидовна** — Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри актрисаси

**Турабджанов Садритдин Махаматдинович** — Тошкент давлат техника университети ректори, профессор

**Утепбергенова Бибирабига** — Қорақалпоғистон Республикаси Халқ чолғулари оркестри фахрий хонандаси

**Умирзаков Балтоходжа Ерматович** — Тошкент давлат техника университетининг умумий физика кафедраси профессори

**Факторович Гилсина Аксановна** — Самарқанд вилояти рус драма театри актрисаси

**Фахаргалиев Равил Нагимович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри оркестр созандаси

**Хамидова Марфуа Азизовна** — Ўзбекистон давлат консерваториясининг академик хонандалик ва опера тайёрлови кафедраси профессори

**Харченко Ольга Ивановна** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг ахборот узатиш хизмати бошлиғи ўринбосари

**Хушваков Наби Олимович** — Шаҳрисабз давлат музей-қўриқхонаси бош директори, Қашқадарё вилояти

**Шарипов Бобохон** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таржимон

**Эштухтарова Олия** — Жиззах вилояти мусиқали драма театри актрисаси

**Юлдашев Шохрух Алишерович** — «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси хонандаси

**Янов-Яновский Дмитрий Феликсович** — Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси, композитор

### II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Абдугаффаров Абдусаттар Абдужаббарович** — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи

**Кодирова Ҳусния Абдурасуловна** — Касби туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Машарипова Дано Янгибоевна** — Чирчиқ шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Тошкент вилояти

**Таджибаева Тўлқиной Обиджоновна** — Олтиариқ туманидаги 19-мактабгача таълим ташкилоти услубчиси, Фарғона вилояти

**Халмирзаева Сайёра Шукуровна** — Тошкент давлат аграр университетининг ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти

**Чуккиев Рашит Абдувахабович** — Андижон вилояти қўғирчоқ театри актёри

**Эргашев Зокиржон** — Наманган вилояти ихтисослаштирилган санъат мактабининг пуфлама ва зарбли чолғулар кафедраси мудири

### II даражали «Саломатлик» ордени билан

**Абдуллаева Наргиза Нурмаматовна** — Самарқанд давлат тиббиёт университетининг даволаш ишлари бўйича проректори — кўп тармоқли клиникаси бош шифокори, Самарқанд вилояти

**Абдурахимов Зохид Абдувасикович** — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг санатор-курортлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Болтаев Абдукарим Мажитович** — Бойсун тумани тиббиёт бирлашмасининг «Мачай» оилавий шифокорлик пункти мудири, Сурхондарё вилояти

**Ғайбуллаева Шахзода Жалаловна** — Сардоба тумани тиббиёт бирлашмасининг «Ғафур Ғулом» оилавий шифокорлик пункти мудири, Сирдарё вилояти

**Надирова Саодат Файзилловна** — Нишон тумани тиббиёт бирлашмасининг кўп тармоқли марказий поликлиникаси шифокори, Қашқадарё вилояти

**Саидов Максуд Арифович** — Болалар миллий тиббиёт маркази директори

**Халимова Замира Юсуфовна** — Академик Ё.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

**Ҳалилов Нажмиддин Шерматович** — Томди тумани тиббиёт бирлашмасининг жарроҳлик бўлими мудири, Навоий вилояти

**Юнусов Абдулмажит Абдулахатович** — Бағдод тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими шифокори, Фарғона вилояти

### «Соғлом турмуш» медали билан

**Жонизоқова Сайёра Соннибаевна** — Мирзачўл тумани тиббиёт бирлашмасининг 17-оилавий поликлиникаси патронаж ҳамшираси, Жиззах вилояти

**Жумабоева Марғуба Умирбековна** — Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг гематология бўлими мудири

**Тошбоев Рахимжон Ахмедович** — Қорасув шаҳар тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими анестезиолог-реаниматологи, Андижон вилояти

### «Келажак бунёдкори» медали билан

**Кўчқоров Исломжон Нурали ўғли** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Сайдалиев Жавоҳир Абдурайим ўғли** — Ўзбекистон давлат симфоник оркестри созандаси

**Солижонов Хушнуджон Хуршид ўғли** — Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамбли хонандаси

### «Шуҳрат» медали билан

**Абдухаликов Мансур Махсудович** — «Ўзбекфильм» киноконцерни» давлат унитар корхонаси постановкачи кинорежиссёри

**Бектурдиев Акбар Эгамбердиевич** — Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси аъзоси, постановкачи кинорежиссёр

**Ганджаева Лола Атаназаровна** — Хоразм Маъмун академиясининг табиий фанлар бўлими бошлиғи

**Гукасян Наринэ Рудольфовна** — У.Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб касалхонаси логопеди

**Жиемуратова Гоззал Даулетияровна** — «Айқулаш» Қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли раққосаси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Жумаева Малика Абидовна** — Бухоро давлат музей-қўриқхонаси экскурсоводи, Бухоро вилояти

**Исамова Каромат Кадировна** — Жиззах вилояти қўғирчоқ театри бош режиссёри

**Исхакова Элсевар Джасуровна** — «Ўзбекфильм» киноконцерни» давлат унитар корхонаси либослар бўйича постановкачи рассоми

**Ишмухамедова Шахзода Равшановна** — Ўзбек Миллий қўғирчоқ театри актрисаси

**Йўлдашева Мухаббат Хуснидиновна** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи, таржимон

**Йўлдашов Тургунпулат Валиевич** — Сурхондарё вилояти санъат саройи бош режиссёри

**Карабаева Фарогат Рихсибаевна** — Олмазор туманидаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган болалар учун 1-интернат уйи энагаси, Тошкент шаҳри

**Каримова Гулчехрахон Тахировна** — Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернати мумтоз рақс фани ўқитувчиси

**Касимов Убайдулла Патхуллаевич** — Республика «Усто» уюшмасига қарашли «Шарқона сайқал» хусусий корхонаси миниатюрачи рассоми

**Келдиев Анвар Фарходович** — Фориш туманидаги «Боғдон» фольклор-этнографик халқ ансамбли бадиий раҳбари, Жиззах вилояти

**Кудрявцева Надежда Анваровна** — Фарғона вилояти рус драма театри актрисаси

**Курбанов Негмат Туйгунович** — Самарқанд шаҳридаги 5-имконияти чекланган шахслар учун махсус маданият маркази раҳбари

**Лушникова Елизавета Валентиновна** — Самарқанд давлат музей-қўриқхонасининг археология фонди илмий ходими, Самарқанд вилояти

**Мамасадиков Нурилло Шукруллаевич** — Фарғона шаҳридаги «Meridian Diagnostic Hospital» тиббиёт маркази раҳбари, Фарғона вилояти

**Машарипов Одамбой Вапаевич** — Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, ёғоч ўймакорлиги устаси, Хоразм вилояти

**Машарипова Наргиза Отахоновна** — Урганч давлат университетининг инглиз тили ва адабиёти кафедраси доценти, Хоразм вилояти

**Нуриллоев Бахтиёр Бахшиллоевич** — Ромитан туманидаги 12-болалар мусиқа ва санъат мактабининг анъанавий хонандалик синфи ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Одилов Муроджон Шухратович** — «Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси» давлат унитар корхонаси кинорежиссёри

**Охунов Мансуржон Носирович** — Учкўприк туманидаги «Ҳангома» ҳаваскорлик театри режиссёри, бадиий сўз устаси, Фарғона вилояти

**Рахимов Бахрам Абдиевич** — Деҳқонобод тумани маданият марказининг бахшичилик тўгараги раҳбари, бахши, Қашқадарё вилояти

**Рузиева Шахиста Абдулхамедовна** — Андижон шаҳар кўзи ожизлар кутубхонаси мудири, Андижон вилояти

**Рўзимуродов Рўзимурод Нарзуллоевич** — Қоракўл туманидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Садирова Фароғат Нишановна** — Конимех тумани «Дўстлик» маданият маркази бадиий раҳбари, Навоий вилояти

**Саидова Феруза Камилевна** — «Янги авлод форуми» болалар ижодиёт марказининг театр тўгараги раҳбари, кино актёри

**Солиев Адхам Умарович** — «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси хонандаси

**Сохибназаров Санъатилло Насруллоевич** — Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, ёғоч ўймакорлиги устаси, Самарқанд вилояти

**Стежка Вероника Юрьевна** — «Ўзбек давлат цирки» давлат муассасаси артисти

**Тойиров Жамол Мухидинович** — Бухоро туманидаги «Мавжи Бухоро» фольклор-этнографик халқ ансамбли бадиий раҳбари, Бухоро вилояти

**Умирова Инобат Мўминовна** — Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри солист-вокалисти

**Фадеева Татьяна Валерьевна** — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг театр безаги рангтасвири кафедраси катта ўқитувчиси

**Хашимов Акрам Абдиевич** — «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари бош муҳаррирининг ўринбосари

**Худайбердиева Гулбахор Сайдахматовна** — Арнасой туманидаги 5-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Жиззах вилояти

**Ҳасанов Ҳамза Рустамович** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Шафиева Марям Фуатовна** — Мирзо Улуғбек туманидаги 50-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Эшонқулов Бегали Нурали ўғли** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 26 август

# «ПАРЛАМЕНТ ЎЙИНЛАРИ» СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

*Маълумки, мамлакатимиз парламенти юқори палатаси томонидан Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги билан ҳамкорликда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Ёшлар парламенти, Сенат ҳамда Жўқорғи Кенгес аъзолари ва девони ходимлари ўртасида Сенат Раиси кубоги учун "Парламент ўйинлари" спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.*

## Соғлом турмуш тарзи

Айтиш жоизки, депутат ва сенаторлар ўртасида "Парламент ўйинлари" спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги таклиф Президентимизнинг "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида ҳам қўллаб-қувватланди.

Мусобақадан кўзланган асосий мақсад — сенаторлар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоларини жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортни оммалаштириш ва уни янада ривожлантиришдан иборат.

Жорий йилги мусобақалар ҳам мамлакат бўйлаб уч босқичда спортнинг минифутбол, волейбол, бадминтон ва стол тенниси турлари бўйича ўтказилди. Жумладан, биринчи босқич — вилоят миқёсида халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари аъзоларидан ташкил топган жамоалар ўртасида, иккинчи босқич — ҳудуд миқёсида (минтақавий) вилоятда биринчи ўринни эгаллаган жамоалар ўртасида уюштирилди.

Мусобақа ҳудудий босқичларида 4,5 минг депутат қатнашди ва шундан 420 нафари хотин-қизлар эканлиги эътиборга лойиқ.

"Парламент ўйинлари" спорт мусобақасининг учинчи — финал босқичи ҳудудлардан биринчи ўринни эгаллаган жамоалар ўртасида жорий йилнинг 26 август куни Тошкент молия институти спорт мажмуасида бўлиб ўтди. Унда 200 нафар депутат ғолиблик учун кураш олиб борди. Мусобақаларни минифутбол, волейбол, бадминтон ва стол тенниси бўйича профессионал ҳакамлар бошқариб борди.

Муросасиз кечган баҳслардан сўнг ҳакамлар томонидан ғолиблар аниқланди. Якуний натижаларга кўра, минифутбол бўйича Тошкент вилояти, волейбол бўйича Навоий вилояти, бадминтон бўйича Қашқадарё вилояти ҳамда стол тенниси бўйича эркаклар баҳсида Сирдарё вилояти, стол тенниси аёллар баҳсида Жиззах вилояти депутатлари "Парламент ўйинлари" спорт мусобақаларининг мутлақ ғолиблари, деб топилди.

Ғолибларга Олий Мажлис Сенати Раиси кубоклари топширилди. Шунингдек, ғолиблар Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг медаль ва дипломлари ҳамда мусобақа ҳомийси — Касаба уюшмалари Федерациясининг совғалари билан тақдирланди.

**«Халқ сўзи».**

# АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – АСОСИЙ МАСАЛА

1

Сессияда Бухоро шаҳар прокурори И. Расуловнинг ҳам ахбороти эшитилди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов сўз олиб, кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган конституциявий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида маҳаллий вакиллик органларининг ўрни, жамоатчилик ва депутатлик назоратини самарали таъминлаш масалаларига алоҳида тўхтади.

Шунингдек, янгиланган Конституцияда вакиллик органларининг ваколатларига оид нормалар ва уларнинг мазмун-моҳияти, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси аҳамияти юзасидан тушунтириш берди.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Р. КАЗИМОВА, халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашининг суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси раиси:**

— Сессияда долзарб масала — жиноятчиликнинг олдини олиш ва унинг профилактикасини таъминлаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилдик.

Ҳақиқатан ҳам, Бухоро шаҳрида жиноятчиликнинг салмоғи ошганлиги барчамизни ушбу йўналишдаги ишларни қайтадан кўриб чиқиб, ҳар бир маҳалла ва хонадон кесимида янги вазифаларни белгилаб олишимизни тақозо этмоқда. Сессияда мавжуд масалаларни муҳокама қилиш билан бир қаторда ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, уларнинг муаммоларини тизимли ҳал этишда "ёшлар дафтари" ва "аёллар дафтари"га киритилган шахслар билан манзилли ишлаш бўйича ўз таклифларимизни бердик. Бу масалаларни ҳар ойда шаҳар Кенгаши сессиясида танқидий муҳокама қилиб боришга келишиб олдик.

Алоҳида таъкидлаш лозим, Президентимиз раислигида Бухоро вилоятида ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар бир ҳудудда амалга оширилаётган ишларни ўрганиб, депутатлик назорати ва маҳаллий Кенгашлар фаолиятини кучайтиришда ўз ёрдамини бериб келаётир, бу ҳамкорлик бизнинг фаолиятимиз учун ҳам самарали бўляпти.

**И. БОЗОРОВА, Бухоро шаҳар 10-Шодлик сайлов округидан депутат:**

— Сессия кун тартибидаги ҳар икки масала ҳам долзарб. Масъулларнинг ҳисоботларини эшитдик, саволларимизни бердик.

Хусусан, шаҳарда кичик саноат зоналари, тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти сўнгги йилларда ривожланиб бораётгани, маҳаллалардаги янги тизим орқали ташкил этилган "ёшлар", "аёллар", "темир" дафтарлар рўйхатидаги ишга эҳтиёжманд аҳолининг бандлиги таъминланганлигига қарамасдан, Бухоро шаҳрида ишсизлар кўрсаткичи юқори қолаётгани сабаблари билан қизиқдик. Масъуллар бу фуқароларнинг катта қисми норасмий секторда банд эканлиги билан боғлиқлигини маълум қилди.

Мазкур муаммони маҳалла фуқаролар йиғини "бешлиги" ҳамда солиқ инспекцияси инспектори ҳамкорлигида ҳар бир маҳалла кесимида норасмий фаолият олиб бораётган фуқароларни аниқлаш ҳамда уларни расмий секторга ўтказиш чораларини кўриш тизимини жорий этиш бўйича таклиф ва тавсияларимизни бердик.

**«Халқ сўзи».**

# ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА МАҲАЛЛАЛАРДАГИ «БЕШЛИК» БИЛАН ҲАМКОРЛИК КУЧАЙТИРИЛАДИ

*Шу йил 24 август куни халқ депутатлари Ғиждувон тумани Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.*

*Сессияда депутатлар томонидан ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ҳамда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.*

Дастлаб кун тартибидаги биринчи масала юзасидан туман ҳокими Ш. Ашуровнинг ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланганидек, Ғиждувон туманида 2023 йилда 29,5 минг нафар фуқарони доимий, вақтинчалик ва мавсумий ишларда банд қилиш бўйича маҳалла кесимида йиғма маълумотлар кўрсаткичлар, тармоқлар ва соҳалар кесимида аҳоли бандлигини таъминлаш борасида режа-жадваллар ишлаб чиқилган. Ҳудудни ишсизликдан холи маконга айлантириш, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш асосий вазифа сифатида белгилаб олинган айтилди.

Улар доирасида жорий йилнинг шу даврига қадар 23,7 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланган. Хусусан, 9 минг 313 нафар хотин-қиз ишли бўлган, 695 нафари тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида хотин-қизлар тадбиркорлик марказида ўқитилган. 1 минг 806 нафарининг ўзини ўзи банд қилиш йўналишида бандлиги таъминланган. 5 минг 897 нафар аёл эса ипак қурти боқиб бир йиллик меҳнат стажига эга бўлган.

Ҳисобот даврида норасмий меҳнат фаолиятини олиб бораётган салкам 18,5 минг йигит-қизнинг 7 минг 817 нафарини ўзини ўзи банд қилишга эришилган. 726 нафар ишсиз ёшдан 356 нафари ишга жойлаштирилган ҳамда 49 нафарига ер майдонлари, 69 нафарига асбоб-ускуна учун субсидия ажратилган. Шунингдек, ишсизлиги сақланиб қолаётган 246 нафар ёш ва 3 минг 947 нафар битирувчининг фуқаробай бандлигини таъминлаш бўйича маҳалла ва секторлар кесимида ёшлар бандлиги дастурлари ишлаб чиқилган.

Сессияда депутатлар томонидан ёшлар ва хотин-қизларни ишли қилишда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, уларнинг муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини янада ошириш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Ғиждувон тумани прокурорининг ўринбосари Д. Сафаров ҳамда туман ички ишлар бошқармаси бошлиғи Н. Болтаевнинг ахборотлари эшитилди.

Таъкидландики, туманда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашишда ҳар бир маҳалла кесимида иш олиб борилаётир. Жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этишда "Хавфсиз ҳудуд" тамойили асосида ва фуқаробай ишлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий профилактикаси таъминланмоқда.

Туманда жиноят содир этилиши мумкин бўлган жойлар — кўчалар ва жамоат жойлари "қизил нуқта" сифатида белгиланган. 75 та МФЙ кесимида ҳар бир маҳалланинг ҳолатидан келиб чиқиб, ҳудуд методикаси яратилган. "Қизил" ва "сариқ" тоифадаги маҳаллаларни "яшил" тоифага ўтказиш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда.

Сессияда ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш йўналишида тизимли ишлар олиб борилаётганига қарамай, охирги етти ойда содир қилинган жиноятлар ўтган йилдагига нисбатан 14 фоизга ошгани қайд этилди. Уларнинг 226 таси олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар экани, аёллар кўп урган жиноятлар 146 фоизга ортганлиги депутатларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди.

Шундан келиб чиқиб, депутатлар томонидан ҳар бир маҳаллада жиноятларни жиловлаш, профилактик тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий ва маиший муаммоларни ҳал этиш ҳамда низоларни бартараф қилиш бўйича масъуллар, сектор раҳбарлари, "маҳалла бешлиги" билан ҳамкорликда комплекс ёндашув асосида ишлаш бўйича мутасаддиларга зарур таклиф ва тавсиялар берилди.

Сессияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов иштирок этди ҳамда мамлакатимизда амалга оширилган конституциявий ислоҳотлар, унинг моҳияти ва аҳамияти, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ўрни ва масъулияти, шунингдек, Президентимиз томонидан илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар, хусусан, яқинда Фарғона, Тошкент ҳамда Бухоро вилоятларида бўлиб ўтган йиғилишлардаги маърузалар ва уларда белгилаб берилган устувор вазифаларга алоҳида тўхталди.

Шу билан бирга, янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида акс этган тўғридан-тўғри ишлайдиган кўплаб янги нормаларнинг мазмун-моҳияти, қабул қилинаётган бандликка оид дастурларнинг аҳамияти хусусида тушунтириш берди.

Сессияда муҳокама этилган масалалар бўйича халқ депутатлари Ғиждувон тумани Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Р. ШАМСИЕВА, халқ депутатлари Ғиждувон тумани Кенгаши депутати:**

— Сессия иши ҳар томонлама самарали бўлди. Биз кун тартибидаги муҳим масалалар юзасидан нафақат масъулларнинг ҳисоботларини, балки айни вақтда Бухоро вилоятида бўлиб турган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатларидан иборат ишчи гуруҳнинг ўрганиш натижаларини ҳам эшитдик ва биргаликда муҳокама қилдик.

Туманда 2023 йилнинг етти ойида содир этилган жиноятлар ўтган йилдагига нисбатан 14 фоизга, бу каби манфур ишларда хотин-қизларнинг бевосита иштироки 146 фоизга ошгани биз учун, албатта, ташвишланарли ҳолат.

Жиноятларнинг ошишига нафақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг, балки маълум маънода депутатлар, "маҳалла бешлиги" ва фаоллари, туман ташкилот ва идоралари раҳбарларининг етарли даражада фаолият кўрсатмаганлиги ҳам сабаб бўлди, деб ҳисоблайман.

Энг ачинарлиси, биз содир этилган жиноятни очиш, ҳуқуқий чоралар кўриш, олдини олиш фақатгина ички ишлар, прокуратура органларига тегишли деб ўйлаймиз. Ваҳоланки, бу иш билан барчамиз шуғулланишимиз лозим. Асосий эътиборни жиноят содир этилганидан кейинги таҳлилга эмас, балки ана шу жиноятларнинг юз беришига сабаб бўлаётган омилларга қаратишимиз, жиноятчиликка мойил бўлган оилалар, фуқаролар билан ишлашга алоҳида эътибор беришимиз мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда, бугунги йиғилишдан ўзимиз учун тегишли хулосалар қилдик. Келгусида туманимиз бутун республикада жиноятчиликдан холи бўлган тумандардан бирига айланиши, бунда барча депутатлар ўз ҳиссасини қўшишга, маҳалла фаоллари, ИИБ ходимлари билан узвий ҳамкорликда ишлашга келишиб олдик.

**Ш. ҲАЙДАРОВ, халқ депутатлари Ғиждувон тумани Кенгаши депутати:**

— Сессияда муҳокама қилинган масалаларни куни кеча доимий комиссия йиғилишида ҳам атрофлича кўриб чиққан эдик.

Очиғини айтиш керак, жиноятларнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишларда маҳалладаги "бешлик" ва фаоллар ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилмаган. Натижада 226 та олди олиниши мумкин бўлган жиноят содир этилган.

Сессиядан хулоса чиқарган ҳолда ижтимоий профилактика борасида фаолликни ошириш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, айниқса, ёшлар ва аёллар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга бутун эътиборни қаратган ҳолда иш олиб борамиз. Шунингдек, маҳаллаларда ташкил этилган "Қалқон" гуруҳи фаолиятини кучайтириш орқали жиноятчиликнинг олдини олишда самарали ҳамкорликни йўлга қўямиз. Ўйлайманки, бу албатта, ўз натижасини беради.

**«Халқ сўзи».**

# ТАРИХИЙ АЛОҚАЛАР УСТИГА ҚУРИЛГАН МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК

1

Президентлар Илҳом Алиев ва Шавкат Мирзиёевнинг икки мамлакат ўртасида Олий давлатлараро кенгаш ташкил этиш тўғрисидаги шартномани имзолаганлари ташрифнинг энг муҳим натижаси бўлди. Бу икки давлат муносабатларини янада чуқурлаштириш имконини беради. Бундан ташқари, ташриф доирасида давлатлар, ҳукуматлар ва идоралар даражасида 15 та ҳужжат қабул қилинди. 2023-2024 йилларда ҳар томонлама стратегик шерикликни чуқурлаштириш бўйича "Йўл харитаси", энергетика соҳасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида, ёшларга оид сиёсат ва спорт соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, медиа соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" шулар жумласидан.

Қардош мамлакат Озарбайжонни энг оғир дамларда ҳам қўллаб-қувватлади, елкадош бўлди. Ўзбекистон мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетига ҳурмат билан қаради. Бизни қувонтиргани шу бўлдики, Ўзбекистон Президенти Қорабоғда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши алоҳида аҳамиятга эга эканини қайд этиб, бу ерда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларининг кўлами ва суръатини юқори баҳолади. 2021 йил 31 март куни Туркий давлатлар ташкилотининг видеоконференция форматида бўлиб ўтган норасмий саммитида эса Президент Шавкат Мирзиёев Озарбайжонни Қорабоғнинг қайтарилиши ва тарихий адолат тиклангани билан табриклади. Ўша йилнинг ноябрь ойида Истанбулда бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг VIII саммитида Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон маблағи ҳисобидан Фузулийда мактаб қурилишини айтган эди. Ушбу йўналишдаги ишлар аллақачон якунланган. Шу йил 1 сентябрдан бошлаб мактаб ўқувчиларни ўз бағрига олади.

*Ўзбекистон Президенти бошчилигидаги делегация аъзоларининг Қорабоғнинг Шуша шаҳрига ташрифи ҳам бизни мамнун этди. Қувонарлиси, бугун Шушада тиклаш ишлари олиб бориляпти. Шаҳарда электр, газ, ичимлик суви тармоқлари янгиланмоқда, ижтимоий объектлар таъмирланяпти. Қисқача айтганда, ҳаёт аста-секин изига қайтмоқда. Ҳукуматимиз вайронага айланган ҳудудларни яна қайта тиклаш, уруш туфайли бу ерларни мажбуран тарк этган қочқинларни яна ўз ерларига қайтариш учун улкан бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда. Қудратли техникалар тепаликларни кесиб, янги асфальт йўл қурмоқда. Электр энергияси таъминотини тикламоқда. Ҳадемай, уйлар қайта қурилади, боғу хиёбонлар, мактаблар, масжидлар бунёд этилади. Бунинг учун Озарбайжонда молиявий ресурслар етарли, энг муҳими, халқимизнинг иродаси мустаҳкам, қолаверса, мана шундай қийин дамларда ҳам Ўзбекистон каби қардош ва дўст мамлакатлар халқимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб тургани бизга алоҳида куч бағишлайди.*

Давлатларимиз раҳбарлари даражасидаги алоқалар ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам беҳад яқин ва самаралилиги билан ажралиб туради. 2022 йили Озарбайжон Президенти Ўзбекистонда уч марта — расмий давлат ташрифи билан, халқаро форумларда иштирок этиш учун ҳам бўлди. Бу йил Президент Мирзиёев 1 мартдан 3 мартгача Озарбайжонда ўтказилган Қўшилмаслик ҳаракатининг Алоқа гуруҳи саммитида қатнашди.

Озарбайжон халқининг умуммиллий етакчиси Ҳайдар Алиев айтганидек, "озарбайжон ва ўзбек халқларининг бу алоқаси ва қардошлиги тасодиф эмас. Мазкур алоқалар қадимий тарих ва бой ўтмиш ётадиган халқларимизнинг қон-қардошлигини, қалбларимиз, маданиятимиз ва маънавий қадриятларимизнинг бирлигини ифода этади".

Ҳайдар Алиев ҳақида сўз кетганда, буюк давлат арбоби таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Озарбайжон Миллий Мажлисининг навбатдан ташқари йиғилишида Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги делегациянинг иштироки умуммиллий лидеримиз хотирасига кўрсатилган юксак ҳурмат-эҳтиром намунаси, деб биламиз. Т. Норбоеванинг Президент Илҳом Алиев томонидан қабул қилингани ҳам бежиз эмас.

Кези келганда айтмоқчиманки, парламентлараро мулоқот икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим таркибий қисмига айланган, Ўзбекистон ва Озарбайжон парламентлари халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, бундан буён ҳам икки томонлама ва кўп томонлама шерикликнинг барча устувор йўналиши бўйича ўзаро манфаатли ришталарни мустаҳкамлаш учун парламентлараро алоқаларнинг барча имконият ва саъй-ҳаракатларини ишга солмоқда. Озарбайжон ва Ўзбекистон қонун чиқарувчи органлари вакиллари ўртасидаги ўзаро ташрифлар ва халқаро парламентлараро тузилмалардаги алоқаларимиз мазкур соҳадаги ҳамкорликка кенг йўл очди.

Айни пайтда парламентлар аъзолари Ўзбекистон ва Озарбайжон халқларининг бевосита вакиллари сифатида "халқ дипломатияси"ни илгари суриш, шу жумладан, ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, иқтисодий ва гуманитар лойиҳаларни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутишлари керак.

Бу мураккаб иш эмас. Менинг назаримда ўзбеклар ва озарбайжонларнинг миллий табиати катта ўхшашликка эга. Ўзбек халқи ва озарбайжон халқининг маданияти умуминсоний қадриятларга таянади. Бу — инсонпарварлик, адолат, анъаналарга садоқат, бағрикенглик, тараққиёт ва фаровонликка интилиш. Тилларимиз умумий илдизли, бизнинг муқаддас динимиз ислом — тинчлик ва яхшилик дини. Менталитетларимиз ҳам ўхшаш. Оиладаги муносабат, онага, Ватанга муҳаббат, жамият олдида қарздорлик ҳисси ва бошқалар. Мамлакатларимиз кўп миллатли, бу ерда турли этнослар, халқлар ва диний конфессиялар вакиллари истиқомат қилади. Ўйлашимча, келажак авлод фаровонлиги йўлида икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришимиз керак. Халқларимиз бир-бири ҳақида кўпроқ нарса билишлари учун бор имкониятни ишга соламиз. Буни асосий вазифа сифатида кўриб, бу хайрли иш йўлида куч-ғайратимизни аямаймиз.



Халқларимизнинг тарихий илдизлари туташ, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз яқин, тил ва динимиз бир. Узоқ тарихдан буён ўзбек ва озар халқлари маданий ришталарни умумий қадриятлар сифатида эъзозлаб келмоқда. Айтиш лозимки, нафақат ўзбек, балки бутун туркий халқлар адабиётининг буюк намояндаси, мутафаккир шоир, давлат ва жамоат арбоби, илм ва адабиёт ҳомийси ҳазрат Алишер Навоий озар халқи фахри Низомий Ганжавий анъаналарини давом эттириб, илк бор туркий тилда "Хамса" достонини яратган. Ва достонларида ҳазрат Низомийни фахр билан тилга олиб, унга чексиз ҳурматини, ихлосини баён этган. Озарбайжон адабиётининг улуғ вакилларидан бири Муҳаммад Фузулий эса Навоийни ўзига устоз билиб, унга эргашиб, ғазалларига назиралар битди. Қувонарлиси, адабий, маданий алоқаларимиз бугун ҳам бардавом.

Ёзувчи-шоирларимиз, мақомчиларимиз, маданиятимизнинг атоқли намояндалари Ўзбекистонда ўтаётган турли тадбирларда мунтазам қатнашиб келади. Озарбайжонда ҳам атоқли ўзбек адабиёти вакилларининг ижодий меросига бағишланган илмий-адабий тадбирлар ўтказиш анъанага айланган. Бунинг исботи ўлароқ, 1 — 4 август кунлари юртимизда "Ўзбекистон маданияти кунлари" ўтказилди.

Мамлакатимиз раҳбари Илҳом Алиев Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни ҳар доим қардоши, биродари сифатида эътироф этади. Ахир Ўзбекистон Республикаси Президентининг мустақил сиёсати, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалардаги ўз қатъий нуқтаи назарига Жанубий Кавказдаги қардош Озарбайжонда бефарқ қараб бўлмайди-ку! Бинобарин, Ўзбекистоннинг дадил сиёсати туркий Озарбайжонни ҳам илҳомлантиради. Президент Шавкат Мирзиёевнинг қардош халқлар билан яқинлашишга қаратилган узоқни кўзловчи, оқилона стратегияси бутун дунёда ҳақиқий прагматик ва ниҳоятда хайрихоҳлик руҳидаги ташқи сиёсат сифатида тан олинмоқда. Жаҳон ҳамжамияти томонидан ушбу воқелик ўзбек дипломатиясининг ўзига хос услуби, дея қабул қилинмоқда.

Ўзбекистонни ҳақли равишда Марказий Осиёнинг юраги, дейиш мумкин. Зеро, юртингиз тарихий Туроннинг қоқ марказида жойлашган. Мен ҳам бошқа экспертлар қатори айтмоқчиманки, Марказий Осиёда ҳеч бир масала, минтақадаги асосий мамлакат — Ўзбекистон иштирокисиз ҳал этилмайди.

Бугун Ўзбекистон ички сиёсати ҳам самарадорлиги билан ажралиб туради. Мамлакатда давлат ҳокимияти таркибида жадал ислоҳотлар амалга оширилмоқда, буни сезмаслик мумкин эмас. Фуқаролар ҳаёти ва фаолиятида, турмушида янгиланишлар содир бўлмоқда. Деярли, барча соҳада юз бераётган туб ўзгаришлар бевосита давлат раҳбари ташаббуслари билан боғлиқ. Давлат раҳбари янги Ўзбекистон сиёсатининг стратегиясини аниқ белгилаб берган. Замонавий, ривожланган мамлакатга айланиш йўлидаги интилиш кундалик ҳаётда ҳам акс этмоқда. Сўнгги йиллардаги ислоҳотлар туфайли Ўзбекистон жаҳон майдонида мутлақо янги қиёфада, иқтисодиёти жадал ривожланаётган, эркин, барқарор ва демократик мамлакат сифатида намоён бўлмоқда.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган "суверен давлат" тушунчаси расмий Тошкент учун муқаддас ҳисобланади. Сиёсий ёндашувнинг айни ифодаси жаҳон ҳамжамияти томонидан бир неча марта ошкора тан олинган. Ўзбекистоннинг Озарбайжон ҳудудий яхлитлиги масаласи бўйича алоҳида фикри ҳақли равишда халқимизда чуқур ҳурмат туйғусини уйғотди. Ушбу масалага принципиал ёндашув туфайли Ўзбекистоннинг бутун турк дунёси олдидаги нуфузи янада юксалди.

Озарбайжонликлар ҳам Ўзбекистон билан дўстлик, қардошлик масаласига муҳим эътибор қаратиб келган. Ўзбек халқининг олийжанoблигини дунё азалдан билади, аммо бизда миннатдорлик учун алоҳида сабаб мавжуд. Ахир халқимиз бошига тушган қайғули кунларда, жуда оғир бир даврда ўзбек халқи биринчилардан бўлиб ёрдам қўлини чўзгани, қатъият билан ҳақиқат томонида турганини унутиб бўладими? Ва Озарбайжон ҳамда Ўзбекистон ўртасида кундан-кун мустаҳкамланиб бораётган алоқалар нафақат давлатларимиз ва халқларимиз, балки бутун туркий дунё тараққиётига салмоқли ҳисса қўшаётгани билан аҳамиятлидир.

**Эльвин ТАЛИШИНСКИЙ,**
**Озарбайжон университетининг Сиёсий фанлар кафедраси мудири, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори.**

Халқ вакиллари — ҳудудларда

# АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА БОЙ МУЛОҚОТЛАР

*Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларда корхона ва ташкилотлар, ижтимоий соҳа объектлари, фермер хўжаликларида бўлиб, аҳоли билан яқиндан мулоқот ўтказмоқда. Жойларда аниқланган масалаларни ҳал этиш чораларини кўрмоқда.*

Хусусан, қуйи палата депутатлари Н. Юсупов, М. Тиркашева ва бошқалар Жиззах шаҳрида жойлашган вилоят юқумли касалликлар шифохонасида куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш борасида олиб борилаётган ишлар ҳолатини ўрганди.

Бугунги кунда шифохонада иситиш ва иссиқлик режимига риоя этилишини таъминлаш учун учта иситиш қозони соз ҳолатда. Муассасага қарашли газ тақсимлаш қутилари ҳам куз-қиш мавсумига шай.

Шунингдек, бу ерда 2023 йилнинг июль ойида "Яшил энергия" МЧЖ томонидан 100 кВт.лик кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари ишлаб чиқарувчи электр қурилмаси ўрнатилган. Қайта тикланувчи энергияни ҳосил қилувчи қуёш панеллари шифохонанинг электр энергияга бўлган эҳтиёжининг 70 фоизини қопламоқда.

Ўрганишлар давомида бир қатор камчиликлар ҳам аниқланди. Жумладан, шифохона 2013 йил "Камол" МЧЖ томонидан қурилган бўлиб, ҳозирги кунда унинг ички ва ташқи қисми капитал таъмирга муҳтож. Қолаверса, муассасага қўшимча битта лаборатория ва йиғилиш зали керак.

Депутатлар ушбу масалаларни ўз назоратига олиб, тегишли идора ва ташкилотлар билан биргаликда ҳал этиш чораларини кўришларини билдирди.

Ишчи гуруҳ аъзолари Жиззах шаҳрида инвестицияларни жалб қилиш, шаҳар экспорт салоҳиятини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ҳам ўргандилар. Хусусан, "Uz-Turk Charm" МЧЖ фаолияти билан танишилди.

Корхона тайёр чарм маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ҳозирги кунда мазкур инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида бино ва иншоотларнинг қурилиш-монтаж ишлари якунига етган. Корхона биринчи босқич бўйича ишга туширишга тайёр.

## Мурожаатларнинг аксарияти жойида ҳал қилиняпти

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Ў. Ўразбоев, З. Акрамова, Ф. Ниғматова, А. Акромов ва М. Ўразалиеванинг Жиззах вилоятидаги учрашувлари ҳам амалий натижаларга бой бўлмоқда.

Қуйи палата депутатлари аҳоли билан, тадбиркорлар ва фермерлар билан мулоқотлар давомида мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, айниқса, сўнгги етти йилда бўлаётган ўзгаришлар, янгиланишлар ҳақида сўз юритмоқда.

Шунингдек, аҳоли вакилларига янги таҳрирда қабул қилинган Конституциянинг мазмун-моҳияти, унда акс этган янги нормалар, қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида атрофлича маълумотлар бермоқда.

Хусусан, Дўстлик туманига қарашли "Манас" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бўлиб ўтган учрашувлар чоғида аҳолининг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, жумладан, деҳқонларга экин ерларини ижарага бериш ишларининг ҳолати, шунингдек, ёшлар бандлигини таъминлаш соҳасига оид бажарилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Бугунги кунда маҳалла аҳолисининг 234 нафари туман корхона ва ташкилотларида иш билан таъминланган. Шунингдек, 96 нафар аҳоли тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади.

Учрашувлар чоғида сайловчилар қонун ижодкорлиги янгиликлари, бир қатор қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, янгиланган Конституциянинг мазмуни ва аҳамияти ҳақида батафсил маълумотга эга бўлди. Энг муҳими, фуқароларни ўйлантириб келаётган қатор масалаларга депутатлар кўмагида жойида ечим топилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари, шунингдек, Дўстлик туманидаги Микросаноат ва хизмат кўрсатиш марказида ҳам бўлди.

Депутатлар ҳар иккала масалани ўз назоратига олиб, тегишли идоралар билан биргаликда ҳал этишларини билдирди.

## Долзарб муаммоларга ечим топилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг жойларда аҳоли билан мулоқот қилиш, муаммоларини ўрганиш ва тизимли ҳал этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳамда халқ манфаати ва фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Қуйи палата депутати Дурбек Аҳмедов Учтепа туманидаги ижтимоий соҳа ташкилотларида бўлиб, 283-умумтаълим мактабида янги ўқув йилига, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатлари ва 74-умумтаълим мактабида олиб борилаётган қурилиш-реконструкция ишларини кўздан кечирди.

Куннинг иккинчи ярмида депутатлар Учтепа тумани Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси аъзолари билан учрашди.

Очиқ ва самимий мулоқот чоғида мустақилликнинг ўтган 32 йили давомида мамлакатимизда барча соҳада туб ислоҳотлар амалга оширилгани, маҳаллаларимиз қиёфаси тубдан ўзгаргани, айниқса, охирги етти йилда мамлакатда катта ўзгаришлар, янгиланишлар рўй бергани қайд этилди. Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида мамлакат иқтисодиёти режалаштирилган суръатлардан ҳам юқори ривожланишда давом этаётгани таъкидланди.

## Тадбиркорлар фаолияти ўрганилди

Халқ билан очиқ мулоқот қилиш, чекка-чекка ҳудудларда бўлиб, одамларнинг дарду ташвишлари, муаммоларининг ечимига доимий эътибор қаратиш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Спикер ўринбосари З. Ибрагимова бошчилигидаги бир гуруҳ депутатлар Хоразм вилоятида бўлиб, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганди.

Ишчи гуруҳ аъзоларининг дастлабки манзили — Хонқа тумани бўлди. Депутатлар ҳудудда аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳолати билан танишди.

Хусусан, тумандаги Пахтагул, Истиқлол ва Баркамоллик маҳаллаларида яшовчи ёш тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг фаолиятини ўрганди. Кейинги йилларда юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида тушунтиришлар берилди.

Қуйи палата депутатлари шу маҳаллада фаолият юритаётган ва тадбиркор Б. Ботиров томонидан ишга туширилган корхонада бўлиб, бу ерда ишчи-ходимлар учун яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Депутатлар, шунингдек, Гулғунча маҳалласида фуқаро М. Мухторжонов бошчилигидаги "Идеал Мебел" оилавий корхонаси фаолияти билан ҳам танишди.

## Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири бор

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Одинахон Отахонованинг Андижон вилоятидаги сайловчилар билан очиқ мулоқотлари кўтаринки руҳда ўтди.

Мулоқотлар давомида депутат мустақиллик йилларида, айниқса, охирги етти йилда Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар, жумладан, халқимизнинг қўллаб-қувватлови билан қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритди.

Депутат учрашувлари давомида Шаҳрихон туманидаги ижтимоий соҳа объектларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатини ҳам ўрганди.

Хусусан, тумандаги 29-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб, бу ерда ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши учун яратилган қулайликларни кўздан кечирди.

Депутатнинг ўрганишлари давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# УСТЮРТ ҚЎЙНИДАГИ ЖАВОҲИР

## ёки Қорақалпоғистонда рўй бераётган янги давр мўъжизалари

1 Давлатимиз раҳбари даставвал Қорақалпоғистонга келганида бу ердаги ачинарли аҳволни кўриб, минтақада экологик хатарларга барҳам бериш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш борасида кескин ва шижоатли қарор қабул қилди. Ўзбекистон бўйича барча вилоят раҳбарлари, ташкилотлари ана шу эзгу ишга жалб этилди. Натижада бу ҳудудда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари туфайли туман ва овуллар, шаҳарлар қиёфаси тубдан ўзгарди. Барча соҳада туб ўзгаришлар, янгиланишлар ҳудудларда инфратузилма тизими ҳам барпо қилиняпти. Яъни жорий йилда ўтган йилдагига нисбатан 2 баравар кўп ёки 4 мингта уй-жой қурилмоқда.

Ана шу мақсадда жорий йил 28 июль куни "Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда жисмоний шахслар томонидан қурилган уй-жойларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида"ги Президент Фармони қабул қилинди. Унда Қорақалпоғистон ҳудудида фуқароларнинг ҳужжатларсиз қурилган уй-жойлари жойлашган ер участкасига ижара ҳуқуқи, жойлашган бино ва иншоотларга мулк ҳуқуқи эътироф этилади.



қилинди, кўплаб иш ўринлари яратилди. Ёшлар сиёсати асосий ўринга қўйилди. Нукус шаҳри, Мўйноқ шаҳарчаси қайтадан чирой очди.

Президентимиз томонидан ана шу эзгу тамойилга асосланган туб ислоҳотлар Қорақалпоғистоннинг ҳар бир шаҳар ва тумани, қишлоқ ва овули, ҳар бир хонадонига кириб боришини таъминлаш бош мақсад қилиб белгиланди.

Ўтган йиллар давомида давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга 9-10 маротаба ташриф буюрган бўлса, ҳар гал катта сармояларга асосланган ташаббуслар билан келди ва уларнинг амалга оширилишида бош-қош бўлди. Овулма-овул, уйма-уй юриб, оқсоқоллар, тадбиркорлар, ёшлар вакиллари билан мулоқот қилди, уларнинг талаб ва таклифларини тинглаб зерикмади, ҳаммасини инобатга олди.

Ушбу даврда Қорақалпоғистонни комплекс ривожлантиришга қаратилган 30 дан ошиқ Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Натижада ҳудудда тадбиркорлик субъектлари сони 2 баробар ортди, 4,5 мингдан зиёд инвестиция лойиҳалари ишга туширилди.

### Эртанги кун бугундан-да саодатли бўлади

Президентимиз Кегейли туманида Қорақалпоғистон Республикасида саноатни ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказганида халқ фаровонлигини янада оширишга қаратилган 3 та янги ташаббусни илгари сурди.

Биринчи ташаббус доирасида Қорақалпоғистондаги 452 та маҳалланинг ҳар бирига тўғридан-тўғри 500 млн. сўмдан қўшимча маблағ ажратилиши кўзда тутилди ва маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш бўйича жамғарма ташкил қилиниб, унга 250 млрд. сўм ажратилди. Иккинчи ташаббус бўйича Қорақалпоғистондаги 47 минг уй-жой ва кўчмас мулкка кадастр қилиб бериляпти. Натижада аҳолида ипотека кредити олиш, томорқасида деҳқончиликни кенгайтириш учун кредит, субсидия расмийлаштириш, яшаётган бошпанасини фарзандларига мерос қолдириш имконияти туғилди. Учинчи ташаббус бўйича эса Қорақалпоғистонда йилига 6,5-7 мингта уй-жойга талаб борлиги ҳисобга олиниб, аҳоли ва янги оилалар учун замонавий лойиҳа асосида 4 минг якка тартибдаги уй-жой қуришга 4 сотиҳдан ер ажратилмоқда. Шу билан бирга, ушбу

Бундан ташқари, Ўзбекистон инвестициялар, саноат ва савдо вазири бошчилигидаги ҳамда тармоқ бирлашмалари, тижорат банклари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳ Қорақалпоғистон Республикасининг экспорт, инвестициявий ва саноат салоҳиятини юксалтиришга қаратилган навбатдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича иш олиб боряпти. Ана шу мақсадда Мўйноқ, Қўнғирот, Қонликўл, Шуманай ва Хўжайли туманларидаги бир қатор йирик саноат корхоналарига ташриф буюрилиб, лойиҳа ташаббускорлари билан учрашувлар ўтказилди ҳамда тадбиркорларни қийнаб келаётган масалалар ва ишлаб чиқариш қувватларини янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Ўрганиш жараёнида устувор тармоқларда янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича имкониятларни таҳлил этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Устюрт ва Мўйноқ ҳудудида очилган янги-янги нефть-газ булоқлари, Қўнғирот сода заводи ва қурилиши бошланиш арафасида турган "Сургул" газ-кимё мажмуаси, Қоратоғ тизмаларидаги рангли металлар ҳамда ҳали қурилиш навбатини кутиб ётган фосфорит конлари, Учқудуқ — Нукус темир йўлининг барпо этилиши, Буюк Ипак йўлининг аҳамиятли бир қисми бўлган Қўнғирот — Бейнов автомагистралининг жадал суръатларда қурилиши, Нукус аэропортига халқаро мақом берилиши билан дунёнинг тўрт томонига очиладиган ҳаво йўллари халқимизнинг истиқболи порлоқ эканлигидан дарак бермоқда.

Яқинда интернет тармоғида кўзимга тушган бир хабар ғашимни келтирди. Унда гўё Оролбўйи минтақасида яшаётганлар ўсиши тўхтаган, тушкунликка тушган бир халқ каби тасвирланган. Йўқ, аслида унақа эмас. Бу йил 40 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз 1 синфга борса, 150 мингдан ортиғи мактабгача тарбия масканларига борар экан.

Истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан бўлажак инвестор ва тадбиркорлар билан мулоқотни фаоллаштириш, кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ўрта корхоналарга, ўрта корхоналарни йирик корхоналарга трансформациялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани Қорақалпоғистоннинг эртанги куни бугундан-да саодатли бўлишидан далолат беради.

### Оролқум офати ва инсон матонати

Орол тақдирига бефарқ бўлсак, бора-бора бутун Ер куррасига унинг офати етади. Шунинг учун Президентимизнииг саъй-ҳаракатлари ва халқаро экологик ташкилотлар ёрдамида Орол акваториясининг Жанубий қисмида Оролқум ҳамласига қарши яшил ҳудуд барпо этиляпти. Бу ерда ҳозирги кунга келиб ўрмон хўжаликлари томонидан жуда катта майдонда саксовул, черкез, кандим ўсимликларидан иборат ўрмонзорларнинг бунёд этилгани қум кўчишларига барҳам бермоқда. Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси томонидан эълон қилинган ҳар бир оиланинг 5 тадан мевали дарахт ўтқазиши бўйича ташаббуси ҳам ўз натижаларини беряпти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Орол денгизи қуриши билан боғлиқ офатнинг ҳақиқий қиёфасини бутун дунёга ошкор этди. Фожиа оқибатларини бартараф қилиш ва Оролбўйидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш, минтақанинг сув ва экология билан боғлиқ муаммоларига ечим топиш бўйича барча саъй-ҳаракатни бирлаштириш таклифини илгари сурди. Давлатимиз раҳбарининг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондини ташкил этиш борасидаги ташаббуси БМТ томонидан қўллаб-қувватланди.

Президентимиз таклифи билан Оролбўйига келган БМТнинг ўша пайтдаги Бош котиби Пан Ги Мун бу фожиали ҳолатни ўз кўзи билан кўрди ва уни экология муаммоларига масъулиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисоли, бутун Ер юзи халқларининг умумий фожиаси деб атаган эди. Дунё ҳамжамиятини бу экологик инқирознинг олдини олишга даъват қилганди.

Шундан сўнг Президентимиз ташаббуси билан Оролнинг қуриган ҳудудида амалий ишлар бошланди. Унга шўрга чидамли бўлган саксовул навини экиш мақсадида 500 дан ортиқ энг кучли техникалар, бир неча минг киши жалб этилди, турли вилоятлардан кўнгилли бўлиб келганларнинг сон-саноғи йўқ. "Ан-2" самолётлари ҳавога кўтарилиб майдонларга саксовул уруғларини сепди. Чорак асрдан буён ҳувиллаб ётган Мўйноқ аэропорти қайта таъмирланиб, самолётлар қатнови йўлга қўйилди. Ҳайдов ва чопиқ тракторлари ёрдамида тортилаётган ариқларга 50 сантиметр чуқурликда саксовул кўчатлари қадалди. Бу, албатта, эртага ўз натижаларини беради, Орол саҳроларига экилган саксовулзорлар яшил иҳота сифатида туз ва қум бўронларини тўсади, иқлим ўзгаради.

Шу йилнинг ўзида БМТ минбаридан Ўзбекистон делегацияси раҳбарининг қорақалпоқ шоири Ибройим Юсуповнинг Орол ҳақидаги шеъридан сатрларни қорақалпоқ тилида ўқиганини эшитган халқнинг кўнглида ғурур-ифтихор балқди, эртанги кунга умид мустаҳкамланди.

Бу хайрли ишларга кўпчилик юртдошларимиз, бутун Ўзбекистон бош қўшди. "Мўйноқ — 2019" хайрия жамғармаси ташкил этилганидан буён унинг ҳисоб рақамига мамлакатимиз аҳолиси томонидан миллиардлаб пул маблағлари туширилди. Ҳавзанинг чекинган майдонларига чорвабоп экинлар уруғини сепиш, балиқчиликни ривожлантириш мақсадида майда кўллар барпо қилиш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий равнақ топтириш ишлари давом этяпти.

### Мўйноқда улуғвор ташаббуслар

Мўйноқда умргузаронлик қилган аҳоли ҳар қандай оғир шароитда ҳам бу ердан кўчиб кетмади. Бир кун яхши кунлар келар, деб умид билан яшади. Мана, ўша кунлар келди. Оролбўйига қутлуғ қадамлар қўйилди, улуғвор ишлар бошланди. Эртанги кунга умид, келажакка ишонч уйғотган бугунги ислоҳотлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти.

Давлатимиз раҳбари Мўйноқ туманига ташрифи чоғида Орол фожиасидан энг кўп зарар кўрган бу ҳудуд аҳолисининг сабр-қаноатлилик, меҳнаткашлик хислатларини алоҳида тилга олди. Уларни Мўйноқни ривожлантириш режалари билан таништирди. Шу асосда бу ерда кўп қаватли тураржойлар, инфратузилма объектлари барпо қилинди, йўллар қайтадан асфальтланиб, дарахт кўчатлари ўтқазилди. Ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилди.



**Кенес КАРИМОВ,**
**Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси,**
**Қорақалпоғистон халқ шоири.**

Ҳозирги кунда туманда кўплаб хусусий мактабгача таълим муассасалари, "Янги Мўйноқ" шаҳарчасида дастурлашни чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган инновацион мактаб, болалар мусиқа ва санъат мактаби каби бир қанча таълим-тарбия муассасалари бунёд этилди. Стадион ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биноси реконструкция қилинди. Маданий дам олиш маскани, 2 минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр, Ёшлар маркази бинолари ҳам шулар жумласидан. Эски аэропорт таъмирланиб, ишга туширилди. Саҳрога айланган ҳудудда қолиб кетган эски кемалар йиғилган жой замонавий Кемалар музейи мажмуасига айлантирилмоқда.

Бугун Мўйноқ шаҳрига келган меҳмон унинг ўтмишда қандай кўринишда бўлганини, ҳатто тасаввур ҳам қилолмайди. Замонавий бозор, аэропорт, икки томонга йўл олган гузарлар, қатор кўчалар, кўркам уйлар ва маъмурий, маърифий иморатлар кўзни қувонтиради.

Шу йиллар ичида Орол денгизи тубидан 120 дан ортиқ артезиан қудуқлари қазилди. Бу — саксовул ўрмонларида фауна ва флора қайта тирилди, дегани.

Тадбиркорлар Орол денгизи қирғоғидаги лойдан оҳак, қумдан ойна, чиғаноқлардан совун ишлаб чиқариш ишларини йўлга қўйиш билан шуғулланяпти, дарё суви келадиган жойларда қизилмия, денгизнинг шўр сувидан артемия олиш, ош тузи, томат пастасини тайёрлаш цехлари очиляпти.

...Мўйноқда янги тонг отмоқда. Бу қутлуғ тонг, ҳудуд аҳлининг орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган тонг. Янги шаҳарча, "Мўйноқ аква саноат" ДУКнинг балиқни қайта ишлаш консерва заводи, "Fumei Group" МЧЖ шаклидаги қўшма корхонанинг қамишдан ДСП ишлаб чиқариш заводи ва бошқалар ана шу нурли орзуларнинг амалдаги рўёбидир.

### Адабиёт — халқнинг юраги

Давлат раҳбари Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш масаласига ҳамиша алоҳида эътибор қаратиб келади. Ҳудудни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишга оид кўплаб Фармон, қарор ва дастурлар қабул қилинди. Шу билан бирга, адабиёт ва маданиятга ҳам жуда катта эътибор кўрсатиляпти.

Президентимизнинг пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонига ташрифи чоғида: **"Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодларимиз меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз",** деган гаплари қалбимга муҳрланган.

Ҳозирги кунда Адиблар хиёбонида адабиёт, маърифат ва маданият маскани сифатида очиқ дарслар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиляпти. Бу ерда қорақалпоқ элининг асл фарзандлари Бердақ, Ибройим Юсупов, Тўлепберген Қаипбергенов шахсига ҳам юксак эътибор кўрсатилгани, айниқса, қувонарлидир.

Бундан ташқари, ҳар йили мамлакатимиз бўйлаб қорақалпоқ адабиёти кунлари ўтказиляпти. Бу анжуманларда Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, Ёзувчилар уюшмаси вакиллари, Қорақалпоқ давлат университети, Ажиниёз номидаги Нукус давлат университети илм аҳли қатнашмоқда.

Нукус шаҳрида халқимизнинг қадим даврлардаги қорақалпоқ адабиёти тарихидан бошлаб мустақиллик даврига қадар гуркураб келаётган адабий ҳаёт, мумтоз адабиёт тарихи, унинг ижодкорлари акс эттирилган экспонатлар қўйилган Бердақ номидаги Қорақалпоқ адабиёти тарихи давлат музейи ташкил этилгани оламшумул воқеалардан бири бўлди. Эндиликда бу ердаги осориатиқалар халқимизнинг ёзма маданий-адабий тарихини келгуси авлодларга ҳам танитишга хизмат қилади.

> *Ўтган йиллар давомида давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга 9-10 маротаба ташриф буюрган бўлса, ҳар гал катта сармояларга асосланган ташаббуслар билан келди ва уларнинг амалга оширилишида бош-қош бўлди. Овулма-овул, уйма-уй юриб, оқсоқоллар, тадбиркорлар, ёшлар вакиллари билан мулоқот қилди, уларнинг талаб ва таклифларини тинглаб зерикмади, ҳаммасини инобатга олди.*
> *Ушбу даврда Қорақалпоғистонни комплекс ривожлантиришга қаратилган 30 дан ошиқ Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Натижада ҳудудда тадбиркорлик субъектлари сони 2 баробар ортди, 4,5 мингдан зиёд инвестиция лойиҳалари ишга туширилди.*

Адабиёт аҳлини яна қувонтирадиган бир нарса — "Туркий адабиёт дурдоналари" 100 жилдлик асарлар мажмуасида қорақалпоқ адабиёти учун ҳам муносиб ўрин ажратилган. Айни пайтда "Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари" 16 жилдли асарлар мажмуаси нашр этилмоқда. Унга "Маспошшо", "Шаҳриёр", "Қирқ қиз" каби қорақалпоқ халқ эпослари, Жиян жиров каби халқ оқинлари, шунингдек, қорақалпоқ адабиётининг мумтоз вакиллари — Бердақ, Ажиниёз, Кунхўжа, ХХ аср адабиёти етакчилари — Ибройим Юсупов, Тўлепберген Қаипбергенов ва бошқаларнинг асарлари киритилган.

Бугунги кунда қорақалпоқ аҳлининг фахр-ифтихори бўлган улуғ адиблар сафида Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсуповнинг ўрни бўлакча. "Мен Бердақнинг соф қонидан томчиман", деб камтарлик билан ёзган ул зотнинг адабиётда тутган ўрнига буюк ёзувчи ва шоирлар юксак баҳо берган. Жумладан, Қайсин Қулиев шоирни туркийзабон халқларнинг улкан адиби даражасида кўрса, Расул Ҳамзатов "қалбларни даволовчи шоир", дейди. Чингиз Айтматов унинг ижодини "инсонни ҳайратга солувчи" шеърият сифатида баҳолайди.

Ибройим Юсуповнинг аксарият асарлари Орол муаммоларига бағишланган бўлиб, шоир улар орқали ўз халқига кўтаринки кайфият бағишлади, ҳаётга оптимистик руҳ билан қарашга ўргатди. Унинг "Бу ер ҳали зўр бўлади", "Умид дарахти", "Орол элегиялари", "Қийин ҳол", "Виждон монологи", "Сенсиз менинг куним йўқ", "Чимбой йўлларида" каби шеърлари шоирни даврнинг катта муаммолари қаттиқ ташвишга, ҳаяжонга солганини кўрсатади.

Қорақалпоғистонда рўй берган экологик ҳалокатлар, Оролнинг қуриши ва халқ бошига келган фожиалар ҳам бу юрт аҳлини умидсизликка сололмади. Улар қийинчиликларни, дарду ҳасратларни матонат ва бағрикенглик билан енгди, ўз юртининг бир пайт келиб гуллаб-яшнаши, ривожланишини сабр-тоқат билан кутди. Ва ана шундай умидли, кутилган кунлар зиёси Қорақалпоқ диёри дилини ёритди, ҳарорат ва нур берди.






Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 841. 32 145 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6